

РАЁСАТ ЙИГИЛИШИ

Устувор вазифалар ижроси йўлида

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Раёсат йиғилиши кун тартибидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 2012 йил 1-чораги давомидаги фаолияти яқунлари, «Мустақам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида касба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар, Бухоро, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоят касба уюшма ташкилотларида оптималлаштириш ишлари амалга оширилиб, барча бўғиндаги ташкилотлар ихчам ва ишчан ҳолатга келтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Янги иш ўринларини ташкил этиш, болаларни ёғи соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик йўналишида амалга оширилаётган ишлар каби долзарб масалалар ўрин олдди.

Таъкидлаш ўринлики, Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда Федерация Кенгаши томонидан белгилаб олинган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 1 чорак давомида барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш масаласи касба уюшмалари диққат марказида бўлиб, ходимлар ижтимоий ҳимоясини қайтартиришда муҳим омилидан бири бўлган жамоа шартномаларига давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасида жамоа шарт-

номаларининг ўтган йилдаги ижро натижалари бўйича умумий йиғилишлар (конференциялар) ўтказилди. Бош келишув асосида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик тармоғини кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам салмоқлидир. Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда 20 дан зиёд вазирлик ва идоралар, нодавлат хотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тadbирлари режаси, Келишув ва Битимлар, Меморандумлар имзоланди. Барча ҳудудларда меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ижро ҳокимияти органлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Касба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида ҳам муайян натижаларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси-

нинг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқишида фаол иштирок этиш билан бирга, жойларда ушбу Қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди. «Касба уюшмалари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Шунингдек, касба уюшмалари тизимини тажрибали ва иқтидорли, ёш кадрлар билан мустаҳкамлаш, бир-бирини тақдорловчи, ортиқча бўғинларни қисқартириш мақсадида оптималлаштириш ишлари давом эттирилди. Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлган касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, «Устоз-шогирд» тизими янгича ёндашган ҳолда жорий ўқув йилида мазкур ўқув масканларини тугатаётган битирувчиларни, корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўтаётган 2-курс ўқувчиларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Касба уюшмалари томонидан янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилган ишлар ҳам диққатга sazovorдир. Хусусан, 1-чорак давомида касба уюшмалари томонидан 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

26 АПРЕЛ — «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ ТАБСИС ЭТИЛГАН КУН



Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1996 йил юртимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди ва Сохибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан «Амир Темур» орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, кадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуг зотлар сиймоси ўз ифодасини топади.

Халқимизнинг мангу ифтихори

«Амир Темур» ордени марказида Сохибқироннинг от устидаси улугвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган широр — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бу ҳикматда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни муҳассама, ҳаётий эътиқоди акс этган. Ушбу ҳикматда мамлакатимизда юриштирилган бугунги адолатли сиёсатнинг ҳам туб мазмуни-моҳияти ўз ифодасини топган. Ушбу ордени билан давлатчиликимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратини ривожлантиришга, давлатларни ҳамкорликни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида хисса қўшган юртдошларимиз ва мамлакатимиз фўқораси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланди.

Фўқоралар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бинолари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бирликлари ҳам ушбу ордени билан муко-

фотланиши мумкин. 1996 йил 28 августда бобоклонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарлари «Амир Темур» ордени билан мукофотланди. Самарқанд ва Шахрисабз миллатимизнинг мангу ифтихори бўлган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У кўна Кешда таваллуд топиб, воғна етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иккимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу шаҳарларда Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун ҳам юртдошларимиз қалбида чексиз гурур, хорижлик сайёҳларда эса катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қўлғи тўйларини нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадимлар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги, замона-

МУСОҲАБА

Хотира, қадр тушунчалари маънавиятимизнинг асосий ўзаги ҳисобланади. Зеро, Хотира ва қадрлаш кунини байрам қилишимиз замирида ҳам инсоний қадр-қимматни улуглаш мақсади мўжассам. Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар ҳожи Турсунов билан кечган суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

Муштараклик

— Юртимизда Хотира ва қадрлаш кунининг анъанавий тарзда кенг нишонланиши халқимиз қалбида эзгу бир эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилапти. Ушбу кунда марҳумлар хотираси ёдга олинади, қабрлар зиёрат қилиниб, руҳларига дуолар ўқилади...

— Дарҳақиқат, муқаддас динимизда ҳам ўтганларни хотирлаш улуг савоб саналади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда яхши амаллар, савобли ишларни бажаргандан кейин ўтганларни ёдга олиб, ҳақиқат хайрли дуолар қилишни буюрган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис салоту вассалам: «Марҳумларни яхши фазилатлари билан бирга эсланлар», мазмунидаги ҳадисни айтганлар.

— Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ул-муфрад» китобида ажойиб ҳадис бор: «Ўтганларни, ота-онангиз, яқинларингиз, устозларни эслаб туринглар, уларнинг руҳларини шод қилинглар. Агар шундай қилмасангиз, Аллоҳ ўз нурини мунаввар қилмай қўяди». Имом Бухорий ҳазратлари уни саҳиҳ ҳадис сифатида ривоят қилганлар. Демак, ҳаётимизда файз-баракат бўлиши учун ҳам ўтганларни хотирлаб туришимиз лозим бўлади.

Шу билан бирга, ушбу байрамда иккинчи жаҳон урушида қатнашган нурунийларимиз, меҳнат фахрийларимизни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ватан олдидаги хизматлари муносиб қадрланиб, моддий-маънавий рағбатлантирилади. Хусусан, жорий йилда ҳам Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани фикримиз исботидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Катталарни ҳурмат қилмаган, кичикларга ғамхўрлик қилмаган билардан эмас», деган сўй-ҳаракатларимиз муқаддас динимиз, миллий анъаналаримизга муштаракдир. Хотирасиз, тарихсиз келажак йўқ. Шу маънода Хотира ва қадрлаш кунининг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта. Дунёдан ўтган яқинларимизнинг руҳларини шод қилиш учун қабрларини

зиёрат қиламиз, тартибга келтирамиз. Бундай хайрли ишлар кишини руҳан поклайди. Айни пайтда бизга жуда катта савоб келтиради. Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ул-муфрад» китобида ажойиб ҳадис бор: «Ўтганларни, ота-онангиз, яқинларингиз, устозларни эслаб туринглар, уларнинг руҳларини шод қилинглар. Агар шундай қилмасангиз, Аллоҳ ўз нурини мунаввар қилмай қўяди». Имом Бухорий ҳазратлари уни саҳиҳ ҳадис сифатида ривоят қилганлар. Демак, ҳаётимизда файз-баракат бўлиши учун ҳам ўтганларни хотирлаб туришимиз лозим бўлади.

— Аввало, пайғамбаримиз (с.а.в.) қабристонга кирганда қабр аҳлига салом беришни буюрганлар. Чунки қабристонда сакинат, ором бўлади. Бу ерда шовқин-суронга йўл қўйилмаслиги, марҳумлар руҳларига озор берилмаслиги керак. Секин юриш лозим. Токи яқинларимиз қабрини зиёрат қилар эканмиз, бошқа қабрларга ҳурматсизлик қилмайлик. Баъзилар ота-оналарининг қабрларини тоза-озода қилмаган деб, тўпланган чиқиндиларни бошқа қабрлар ёнига олиб бориб қўядилар. Бу — одобсизлик, маданиятсизлик белгиси. Бунинг ўрнига, қабристонга кирган киши иложи бўлса, бошқа қабрларни ҳам тартибга келтириб қўйиши керак. Чунки уларнинг зиёрат қилувчилари бўлмаслиги, эски ёки мусофирлар ётган қабр бўлиши мумкин. Улар ҳам обод қилиб қўйилса, савоби ниҳоятда улуг бўлади. Қабрни тозалаш деганда, яшил майсаларни юлиб ташлаш кўзда тутилмайди. Чунки улардан шу қабр соҳибига наф өтиб туриши ҳақида ҳадислар бор. Шунинг учун қуриган хас-хашаклар бўлса ёки бошқа ҳолатларда қабрлар тозаланмади. Аммо бунда ҳам баъзан қузатилгани каби дабдабазлик, ҳўжақурсинчи ҳолатларига йўл қўймаслик керак. Зеро, савоб иш дилда бўлади. Унинг ажрини қўнгилдаги ният белгилайди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзэкспомарказда «Соғлиқни сақлаш-THE 2012» халқаро тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Тadbир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, «Узфармасаноат» давлат акциядорлик компанияси, «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу йилги кўргазмада йигирма икки мамлакатдан бир юз ўттиздан зиёд компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Жумладан, Австралия, Беларус, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Молдова, Нидерландия, Покистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Қозғоғистондан келган ишлаб чиқарувчилар замонавий тиббий технология, дори-дармон, тиббий техникасини кенг намойиш этмоқда. Халқаро кўргазма доирасида асаб тизими касалликлари, стоматология бўйича илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИМИЗ

Жамият юксак маънавиятли инсондан куч олади

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri Ирисуҳаммад АБДУКАРИМОВ билан суҳбат

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг IV мажлисида 2012 йилга мўлжалланган энг устувор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида ўтказиладиган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари сифати, касба уюшмаларининг туризмини ривожлантириш бўйича фаолиятлари самарадорлигини ошириш ушбу йўналишлардан бири деб қайд этилди. Суҳбатимизни ана шу мавзудан бошласак. — Мамлакатнинг қудрати унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, аҳолисининг сони билангина эмас, халқнинг руҳи, маънавияти билан белгиланади. Жамият маънавияти юксак, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқоди бутун инсонлардан куч олиб, қувватланади. Федерация Кенгаши томонидан йилнинг энг устувор вазифаларидан бири сифатида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, туризмин ривожлантириш масалаларининг қўйилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, бугун халқимизнинг олий мақсади келажак буюк мамлакатни барпо этиш экан, бу борада маънавий-маърифий йўналишдаги вазифалар муҳим аҳамият касб

этади. Бугун ишимизни «Касба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ташкил этганмиз. Энг муҳими, одамларнинг маънавиятини юксалтириш йўлида ҳаракат қилаётган ва бу ўз самарасини бермоқда. — Касба уюшмалари томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асл моҳияти нимада намоён бўлади? — Мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқлар, истиклол берган кенг имкониятларни меҳнатқашлар онига өтказиш маънавий-маърифий тадбирларнинг бош мезонидир. «Буюк ва муқаддасдан, мустақил Ватан!» широри остида ўтган йили бошланғич ташкилотлар, санаторий ва болалар оромгоҳларида адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар билан учрашув, семинар, давра суҳбатлари ўтказилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 81 та корхона ва ташкилотда оилага бағишланган 13 та суҳбат, 36 та учрашув ва 45 та турли кўрик-танлов ҳамда маънавий-маърифий тадбир, «Аёл — оила мезони» деб номланган илмий-амалий конференция уюштирилди. УзКУФК раёсати қарори билан болалар бадий жамоалари ўртасида ўтказиладиган «Истиклол гунчалари» кўрик-танловининг ви-

лоят ва республика босқичларида ўтган йили икки мингдан ортиқ санатга ошувча болалар иштирок этган бўлса, бу йил биринчи босқичдаёқ танловнинг нуфузи ошганилиги кўзга ташланади. — Мажлисида айрим касба уюшма органлари етакчилари тадбирларга ҳомийлик қилиш, совға-саломлар топшириш билан чекланиб қолаётгани таъкидлаб ўтилди. Маданий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ва оммавийлигини таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак? — Бу ерда сўз турли тадбирлар баҳонасида касба уюшмалари маблағининг нотўғри сарфланиши, тадбирлар эса номига ёки «ҳўжа курси»га ўтказиладигани тўғрисида бормоқда. Касба уюшмалари ташкил этаётган ҳар бир маърифий тадбир аниқ мақсадга мўлжалланган, манзилли, миллий гоямизни ифода этиши зарур. Маданий-маърифий тадбирларнинг бажарилиши устидан мунтазам мониторинг йўлга қўйилди. Қолаверса, амалий ёрдам қўрсатилган касба уюшма ташкилотлари фаолияти қайта ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилган ҳолларда тегишли тақдирлар киритилимоқда. (Давоми 2-бетда).

Устувор вазифалар ижроси йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва уни ривожлантириш мақсадида Федерация Кенгашининг касаба уюшма органларини ташкилий техника жиҳозлари билан таъминлаш дастури бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада айниқса ўрта ва куйи бўғин касаба уюшма органларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир ҳудуд биттадан намунали туман, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишида иккитадан намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилиб, уларга доимий амалий ёрдам кўрсатиш тизими жорий қилинди. Ҳар бир касаба уюшма ташкилотиде маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласига эътибор кучайтирилди.

Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада бошланғич касаба уюшма қўмиталари ташаббуси билан «Маънавият соатлари»ни мунтазам ўтказиш йўлга қўйилиши меҳнатқарор кайфияти ва дунёқарашидега ижобий барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилимоқда.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, халқаро касаба уюшма марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида касаба уюшмаларининг халқаро фаолиятига оид стратегияси ишлаб чиқилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дам олувчилар учун жаҳон талаблари даражасида шароитлар яратилишини таъминлаш йўналишидаги ишларни ривожлантириш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишларига эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда «Умид гулшани», «Чинобод», «Косонсой», «Қашқадарё соҳили» каби санаторийларда катта ҳажмдаги қурилиш таъмири, янги жиҳозлар ва тиббий ускуналар билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Касаба уюшмалари тармоқ Марказий кенгаши, ҳудудий бирлашмалари ҳамда Федерация Кенгашининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлиги таъминланиб, спорт тадбирларини тартиблий ўтказишнинг ягона тизими яратилди, спорт мусобақаларини босқичма-

босқич ўтказиш бўйича тақвим режа ишлаб чиқилди.

Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифати ва самардорлигини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг

байнида ҳудудий бирлашмалар кенгашида ташкил этилган ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали 683 нафар, «Ишонч» телефонлари орқали 278 нафар фуқарога бепул хизмат кўрсатилди. Худудларда касаба уюшмалари «Ўзбекистон ижтимоий

моддий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этилди. Ушбу мақсадлар учун 36,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Соғлом оила — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳо-

хоҳ у бандлик ёки меҳнатга ҳақ тўлаш бўлсин, хоҳ ижтимоий ҳимоя ёки ёшлар сиёсати билан боғлиқ масала бўлсин — ҳамма-ҳаммаси аввалдан режалаштирилган ва давр тақозоси билан такомиллаштирилган ҳолда амалга оширилмоғи даркор. Бунинг ақси бўлишига на йўл қўйиб, на хотиржам кузатиб бўлади.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, соҳа ривожини учун амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифалар ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Шу билан бирга айрим ҳудуд ва тармоқларда фаолиятни такомиллаштириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, айрим тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари фаолиятидаги камчиликлар ҳам руй-рост кўрсатиб ўтилди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида, Таълим, фан ва маданият, Аграроноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашида Федерация Кенгаши томонидан амалий ёрдам бериш чоғида кўрсатиб ўтилган йўналишлардаги фаолиятни жадаллаштириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Федерация Кенгаши Раёсат йиғилишида Мустаҳкам оила йилида кичик корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш Дастури», «Ўз касбининг моҳир эгаларини тақдирини тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Федерация Кенгаши тасарруфиде «Касаба сайр» шўба корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳам қизгин қўллаб-қувватланди. Чунки, мазкур шўба корхонани ташкил қилиш янги иш ўринлари барпо этилиши, касаба уюшмалари маблағларининг мақсадли сарфланиши самардорлигини янада ошириш, фаолият жараёнида минглаб касаба уюшма аъзоларининг имтиёзли равишда бой тарихий меросга эга дёриримиз бўйлаб саёҳатларини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Жамиятимизда маънавий негизларни янада ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш ишларига муносиб ҳисса қўлиш мақсадида «Бизнинг аҳил оила», «Оиламиз талантири» мавзусида ўтказилган суҳбатлар, учрашувлар, турли танлов ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар, «Аёл — оила мезони» номли илмий-амалий конференцияга барча соҳа ходимлари қамраб олинди.

Ҳоҳ у ижтимоий шериклик бўлсин, муҳаббат ўРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот котиби. Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.



интернет тармоғидаги портални такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, аъзо ташкилотларнинг бу соҳадаги фаолият йўналишларини ривожлантириш борасидаги ишларга эътибор кучайтирилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг бажарилишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган дастур ижроси бўйича Назорат режаси тасдиқланган бўлиб, бу олиб борилаётган ишларда асос вазифасини ўтамоқда.

Таъкидлаш лозимки, Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасига тақлифлар берилди. Оилавий ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-муҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тушултириш ва тарғибот ишлари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мо-

масъул фуқаролар форумининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказларини ташкил этишда фаол қатнашмоқда.

Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур имтиёз ва имкониятлар яратиш беришда корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Улар орқали ижтимоий ҳимоятлаб оилалар вакилларининг 10 минг 514 нафарига 453 миллион 946 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок мудат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурганларга 6 миллиард 954 миллион 908 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртимизда тахсил олаётган 790 нафар талаба учун 597 миллион 586 минг сўмлик шартнома пуллари тўланди.

Маҳаллаларда, айниқса, олис қишлоқларда яшовчи ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларнинг 3 минг 45 нафарига уйлари таъмирлаш, уларни маҳсул мосламалар билан таъминлаш,

фаза қилиш борасида 1-чорак мобайнида республика касаба уюшмалари сийхаттоҳларида кам таъминланган оилалардан бўлган 30 нафарга яқин аёл бепул, 64 нафар ёш она ва уларнинг 75 нафар фарзандлари имтиёзли соғломлаштирилди. Ёш оилаларга 14 дона, ёш оилаларни «Умид гулшани» санаторийсида соғломлаштириш учун 39 дона имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Бу мақсадлар учун жами 78,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Касаба уюшмаларига қарашли соғломлаштириш ва спорт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун 1483,0 миллион сўмлик иш бажарилди.

Жамиятимизда маънавий негизларни янада ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш ишларига муносиб ҳисса қўлиш мақсадида «Бизнинг аҳил оила», «Оиламиз талантири» мавзусида ўтказилган суҳбатлар, учрашувлар, турли танлов ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар, «Аёл — оила мезони» номли илмий-амалий конференцияга барча соҳа ходимлари қамраб олинди.

Ҳоҳ у ижтимоий шериклик бўлсин,

Жамият юксак маънавийли инсондан куч олади

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Маънавият соатлари»да касаба уюшма аъзолари, жумладан, ёшларда миллий гуруҳ туйғуси, ҳаётга, меҳнатга муносабат, айниқса, масъуллиқ ҳиссини кучайтириш учун қандай усуллардан фойдаланилган?

Ватанин унга бўлган муҳаббат асради. Президентимиз айтганидек, «...томирида миллий гуруҳ, ватан иши жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратилиши керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшатиб турсин».

Давр касаба уюшма ташкилотларида одамларни маънавий юксакликка қорлайдиган тадбирлар ўтказишнинг тақозо қилмоқда. Маданий-маърифий ишлар самардорлигини кучайтиришда «Маънавият соатлари»дан кенг фойдаланаямиз. Уларни таъсирчан ўтказишнинг намунавий мавзулари барча бошланғич ташкилотларга етказилди. Ҳар ойда ўтадиган «Маънавият соатлари»да атоқли олимлар, эл севган ёзувчи ва шoirлар, жамоа ва маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган фахрийлар, пири бадавлат хонадон соҳиблари жалб этиляпти. Шунингдек, Юртимизнинг «2012 йил ватаними» тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги мавзуларнинг мазмун-муҳиятини, мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилиши кўзда тутилган ишларга касаба уюшма аъзоларига етказаямиз. Шунингдек, «Соғлом ва мустаҳкам оила — жамият ривожини, мамлакат барқарорлиги гарови», «Маънавият оилалардан бошланади» каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда. Федерация Кенгаши томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга таъбиқ этишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари

ҳамкорлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Федерация Кенгаши ва қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида «Мустаҳкам оила йили: моҳияти ва аҳамияти» мавзусида кенг тарғибот ишларини ташкил қилиш мақсадида қўлланмалар тайёрланиб, бошланғич ташкилотларга тарқатилди.

215 дан зиёд корхона, 500 га яқин ташкилот, 150 дан зиёд ўқув муассасасидаги Маънавият ва маърифат хоналари Мустаҳкам оила йилига бағишланган плакатлар билан жиҳозланди.

Федерация Кенгаши мажлисида касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда қандай ишлар амалга ошириляпти?

Тарих — халқ маънавиятининг асоси. Ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, дёриримизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари, мустақиллик йилларидаги янгиланишлар билан таништириш мақсадида туризмни ривожлантириш бўйича Раёсат қарори қабул қилинди ва тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга қўра, Федерация Кенгаши қошида туристик ташкилот тузилиши кўзда тутилди.

Мазкур туристик ташкилот касаба уюшмалари тасарруфидеги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва хизмат кўрсатиш объектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, хизмат турларини замон талабларига мос равишда кенгайтириш, туризм соҳасида кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш юзасидан ишларни амалга оширади. Келгусида уларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби тарихий шаҳарларда филиалларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тиббий туризмни ривожлантириш, санаторий-курорт мажмуалари объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, сервис хизматларини яхшилаш, санаторий тиббий ходимларининг малакасини оши-

риш ва тажриба ўрганиш учун чет мамлакатларга хизмат сафарларига юбориш, Даволаш-профилактика марказида чет эллик туристлар учун диагностика-маслаҳат, даволаш ва соғломлаштириш тиббий хизматлари кўрсатишнинг жорий этиш каби бир қанча ишлар мўлжалланган.

Ички туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Касаба уюшмалари томонидан биринчи чорак якунларига қўра, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга 3085 нафар меҳнатқас ва уларнинг оила аъзоларининг саёҳати уюштирилди. 3172 нафар касаба уюшма аъзоси ўз ҳудудидаги тарихий қадамга ва истиқлол йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига олиб борилди.

Меҳнатқашларни соғломлаштириш учун спортни янада оммалаштириш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ушбу йўналишдаги ишлар ҳақида гапирсангиз.

Касаба уюшмалари томонидан спортга, айниқса, оммавий спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтказилган спартакиадалар, спорт тури бўйича мусобақалар, хотира турнирлари ва бошқа спорт тадбирларини мувофиқлаштириш, такомиллаштириш, уларнинг сифатини янада ошириш мақсадида Федерация Кенгаши алоҳида дастур ишлаб чиқди ва бу йилдан барча аъзо ташкилотлардаги спорт тадбирлари ушбу йўналишда амалга оширилади. Жумладан, касаба уюшма ташкилотларида ўтказиладиган оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва 2012 йил учун ягона оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари тақвим режаси тасдиқланди.

Республика касаба уюшмаларининг Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида республика оилавий спорт мусобақаларининг дастлабки босқичлари ўтказилди. Бундан ташқари, май ойида хаваскор велоспортчилар ўртасида веломарфон, август ойида касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида Республика Спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ҳамкор ташкилотлар билан республика вирилик ва идораларида фаолият юритаётган аёллар ўртасида ўтказилган «Соғлом аёл — соғлом жамият» мусобақаларининг 40 нафар ғолиб ва совриндори Федерация Кенгаши томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Мамлакатимиз шухратини дунёга янада кенг ёйишда касаба уюшмалари спортчиларининг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирги кунгача улар томонидан 11 та олимпиада лицензияси қўлга киритилди. Умид қиламизки, касаба уюшмалари спортчилари йилнинг энг нуфузли мусобақасида катта зафарлар кўчиб, Ўзбекистон шарафини юксакка кўтарди.

Оммавий маданият қўлланмаси сездирай ҳаётимизга соя ташлаб, ёшларни оҳанрабодек ўзига тортаётгани кишини ўйлантиради. Бу борада касаба уюшмалари қандай йўл тутмоқда?

Тўғри, бугун турли информацион хуружлар ёшлар онгига таъовуз қилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад ғайриинсонийликни тарғиб қилиш, миллий қадриятларни обрўсизлантиришдир. Ана шу глобал таҳдидларни бартараф этиш, қадриятларимизни асраб-авайлашга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Масъулиятли бу вазифани амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кушларни бериштириш муҳим аҳамият касб этади. Республикадаги жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ка-

«Ишонч» телефони эшитади!

«Мен, Ҳамидова Сайёра, минора қуриш экспедициясида 2011 йилдан бунён ЭҲМ оператори бўлиб ишлаб келмоқдам. Ўзим Қарши муҳандислик-иктисодий институтида «Нефт-газ» йўналишида ўқитганим сабабли корхона маъмуриятдан шартнома пулини иш ҳақим ҳисобидан тўлаб беришини сўрадим. Аммо бухгалтерия ходимлари даромад солигини ушлаб қолиб, ҳисоблашибди.



Ҳуқуқини билган ютқазмайди

Ушбу масалада ёрдам сўраб Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига мурожаат қилдим. Ҳуқуқшунос Абдурашид Муродов аралашуви билан муаммо ижобий ҳал этилди. Яъни, шартнома пули иш ҳақимдан даромад солиғи ушланмасдан институт ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди. Касаба уюшма юридик бўлимига ушбу беминнат ёрдамин учун миннатдорлик билдираман.

Бирлашма юридик бўлимига бу каби мактублар тез-тез келиб туради. Хусусан, ўтган йили бўлимда 361 та оғзаки ва ёзма мурожаат қўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 340 таси ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, бирлашмада ташкил этилган «Ишонч телефони»га жорий йилда 75 дан ортик мурожаат бўлди ва муаммолар ўз ечимини топди. Бўлим томонидан текширилган ариза ва шикоятларга қўра, Меҳнат кодекси талабларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан 48 марта тақдимнома киритилди, улар иш берувчилар томонидан бажарилди.

Ноҳақ ишдан бўшатилган бир неча киши касаба уюшма ёрдамида вазифасига тикланди. Жумладан, ана шу кўмак туғайли Қарши шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Махфират Боқиева, Ғузор туманидаги «Улғубек» фермер хўжалиғи ишчиси Лутфулло Худойкулов, «Муборак иссиқлик маркази» ходими Шоди Пардаев, «Қаршишаҳаргаз» филиали ишчиси Умида Тураева, «Талимаржон ИЭС» корхонасидан Норгул Қобулова меҳнат фаолиятини давом эттиришмоқда.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида 140 та корхона ва муассасага Меҳнат кодексини амалда қўллаш юзасидан ёрдам кўрсатилди. Бўлим ходимлари корхона ва муассасаларда «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Ҳуқуқини билган ютқазмайди», «Ҳуқуқий маданият жамиятимиз тараққиётида муҳим омилдир» каби мавзуларда семинарлар ўтказилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Сухбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Муштараклик

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Баъзи ҳолларда қабр бошида қон чиқариш, шам ёқиш ёки дарахларга латта боғлаш каби тушуниксиз ҳолларга гувоҳ бўламиз. Умуман, диний ва хурофий тушунчаларни бир-биридан фарқлашда нималарга эътибор бериш лозим?

— Қабристонда ҳар хил бидъат амалларни қилмаслик даркор. Масалан, дарахларга латталар илиш ёки қабристонда шам ёқиш. Худо сақласинки, баҳор-ёз кунларида шу ёмон иш қилинса, ҳатто ёнғин чиқиб кетиши ҳам мумкин. Бундай хурофотлардан узоқ бўлиш керак. Бунинг учун «Ихтилофлар ҳақида», «Сунний ақидалар», «Усули фикр» сингари ушбу масалалар тўла ёритилган китоблардан бохабар бўлиш шарт. Қабрлар ёнига гулу райхонлар, соя берувчи дарахлар экиш лозим. Лекин мевали дарахт экиш дуруст эмас. Чунки қабристондаги дарахлар мевасини истеъмол қилиш макруҳ саналади. Бу ерда хурофотга берилиб йиғи-сиги қилмаслик, таом емаслик керак. Баъзилар қабр бошида қўй сўйиб таомланмоқчи бўлишади. Бу гуноҳ ишлар сирасига киради.

Бу гаплар улуг аждодларимизнинг қадамжоларини, масалан, Имом Бухорий, ҳазрат Нақшбанднинг зиёратгоҳларини зиёрат қилишга ҳам тааллуқли. Ул зотларнинг руҳларига дуо ўқиш, ҳаётларига оид ёзиб қўйилган маълумотларни ўқиб, маърифат ҳосил қилиш керак. Бундан инсоннинг қалби фараҳга, нурга тўлади. Лекин улурга ибодат қилинмайди.

— Халқ орасида марҳумнинг яқинлари томонидан қабртош қай тарзда ўрнатилиши борасида мунозаралар юради...

— Қабристонда жуда маҳабатли, ҳашаматли ёдгорлик ўрнатиш, қабр атрофини турли тўсиқлар билан ураб қўйишни динимиз маъқулламайди. Бу бир томондан яна ўша ҳужажуринликка олиб келади. Шунинг ўрнига фарзандлари ёки яқинларидан эслатма сифатида белги қўйилса, мақсадга мувофиқ, Қабристонда оҳират эсга тушиши, инсонда яхши ишларни қилиш кераклиги ҳақидаги ўй-кечинмалар уйғониши лозим. Чунки бу ер қимнинг қабри ҳашамдор эканини томоша қиладиган сайроғх эмас.

Шу ўринда Имом ал-Мотурудий, Нақшбандий, ал-Бухорий каби улуг алломалар учун бунёд этилган зиёратгоҳлар бундан мустасно эканини изоҳлаб ўтиш ўринли бўлади. Зеро, бу жойларда у улуг зотларнинг қабрини бошқалари билан беҳуда қиёслаш имкони ҳам бўлмайди. Бунинг устига қабрнинг қаерда жойлашгани қафдек аниқ эмас. Шунинг учун кенгроқ майдон ихота қилиниб, оёқ ости қилинишдан муҳофаза этилади. Қолаверса, бу жойларни дунёнинг турли нуқталаридан келган зиёратчилар айланмишади. Юртимизда аждодларимизга қандай эҳтиром кўрсатилишининг бир нишониси сифатида муҳташам иншоотлар барпо этилган.

— Куръони Карим ва Ҳадиси шарифда инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли, ногирон ва муҳтожларга мурувватли бўлишга даъват этилади. Ушбу амалларнинг савоби тўғрисида сўз юритсангиз.

— Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам этиб яратган. Демак, биз бир-биримизни қадрлаб, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишимиз керак. Улуг мутафаккирлар: «Дунёни муҳаббат қутқаради», деган жуда гузал иборани ишлатади. Меҳру оқибат, муҳаббат бор жойда файз, тинчлик-осойишталик бўлади. Ҳатто, деҳқонларимизнинг хирмони ҳам шунга боғлиқ.

Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратларининг деҳқончилик қилганлари ҳақида ривоят бор. У кишининг деҳқончилиги жуда борақалли бўлиб, ён қўшилари қўл ҳосил ололмас экан. Ҳазратдан бунинг сабабини сўраганида: «Мен Аллоҳ мўл ҳосил берса, муҳтожларга, ногиронларга кўмак бераман, улурга меҳр-мурувват кўрсатаман, деб ният қиламан. Шунинг учун Аллоҳ ҳосилимга борақа беради», деб жавоб берган эканлар. Демак, деҳқончилик қилганимиз, касб-хунар билан шуғулланганимиз, яхши фойда олсам, фақат ўзимга эмас, қавми қариндошларга, етим ва ногиронларга ёрдам бераман, дейилса, ўша ишда ривож бўлади.

Мўмин, имонли одам худбин бўлмайди. У дабдабаозликка берилиб, жамиятда бошқаларга бепасанд қарамайди. Акс ҳолда, унинг имонида қўсур бўлади. Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Дўстингга табассум билан қўлларини қўйиб, ҳам эҳсондор, ҳар бир яхши сўз садақдур», деб бежиз ўқирмаганлар. Бир кишининг кўнглини кўтарганининг сиздан эҳсон бўлиб, балоларни кайтарари. Шунинг учун бундай инсоний фазилатларни, хайрли тадбирларни кенг тарғиб қилиш, одамларни савобли юмушларга қорлаш лозим.

— Бу йил муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан «Мустақам оила йили» дея эълон қилинди. Давлат дастури асосида оила мустақамлиги, айниқса, аёлларга муносабат, умр йўлдошимиз, оналаримиз, қизларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш бўйича кенг кўламли вазифалар амалга оширилмоқда.

— Оила тинч экан, жамият барқарор бўлади. Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Сизларнинг энг яхшиларингиз оилаларингизни яхши кўрганларингиз, оилаларингизга меҳр-оқибатли бўлганларингиз», «Оиласини яхши кўрган инсоннинг имони энг мукамал», дея марҳамат этганлар. Аллоҳ таоло Куръони Каримда: «Оилаларингиз билан яхши ҳаёт кечиринглар», «Оилаларингизга садоқат қилинганлар, оилаларингизнинг нафақасини беринглар» дея буюрган. Оиласига нафақасини бериш фарз ҳисобланади. Имом Термизийнинг ривояти бўйича ўз аёлига табассум қилишнинг савоби ибодатнинг савобига тенг бўларкан. Бу оилдаги аҳиллик ва меҳр-оқибатнинг даражаси ҳақида бизга яққол тасаввур беради.

Аллоҳ таоло фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб воёга етишини, хайрли ишларимиздан ўтганларнинг руҳи шод бўлишини насиб айласин. Халқимиз ҳаммиса тинчлик-осойишталикда, фаровонликда ҳаёт кечирсин. Айни пайтда маънавият соҳасида меҳнат қилаётганлар, жумладан, «Ishonch» газетаси иход-корларига маърифат, зиё тарқатишдек шарафли ва масъулиятли вазифани амалга оширишида юксак муваффақият тилаймиз.

«Ishonch» мухбирлари
А. АБДУЛЛАЕВ ва Т. ШЕРНАЕВ
сухбатлашди



Вақт тезкор. Кутлуғжон мактабни тамомлаб, Баҳмал туман мудофаа ишлари бўлимига қарашли мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотни қўшидаги ўқув курсига қатнаш бошлади. Машиқотлар давомида ўз қизиқиши ва изланувчанлиги ҳамда намунали хулқи билан тенгдошларига ибрат бўлди. Чегара қўшинларида мудатли ҳарбий хизмати ниҳоясига етганида эса, юрак амрига бўйсуниб уни шартнома асо-

Сарҳадлар дахлсизлиги учун

У эл-юрт хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар бир ўғлоннинг бурчи эканлигини жуда эрта англаб етди. Болакай дарсдан бўш вақтларида ҳарбийлар, айниқса, чегара посбонлари ҳақидаги бадиий адабиётларни мутлолаа қилар ва суратлар чизарди.

сида давом эттирди. Чегарачи посбон бир неча марта юқори кўмондонлик томонидан фахрий ёрлик ва ташақкурнома билан тақдирланди. 2008 йилнинг куз ойлари эди. Ноқонуний йўл билан юртимиз чегараларини бузиб киришни режалаштирган кимсаларга доворак посбон қаршилик кўрсатади. Қонунбузарлар қўлга олинади. Афсуски, уларни зарарсизлантириш чоғида Кутлуғжон ҳалок бўлди. Мард ва жасур посбон Кутлуғжон Раҳмонов 2009 йил 14 январ-

да Президентимиз фармонида кўра вафотидан кейин давлатимизнинг юксак муқофоти — «Жасур» медали билан тақдирланди. Унга «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 йиллиги» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматида 20 йил» эсдалик нишонлари берилди. Шу йил унинг номини абадийлаштириш мақсадида ўзи туғилиб, воёга етган маҳалласи «Кутлуғжон» деб номланди. Тоғ бағридаги мўъжазгина шином уйдан Кутлуғжоннинг синф-

дош ўртоқлари ва қадрдонлари қадами узилмайди. Улар Шоира аяни ёлғизлатмай ҳам маънавий, ҳам моддий томондан кўмаклашиб, юмушларига ёрдам беришади. Маҳалладаги қўни-қўшини ва мактаб ўқувчилари ҳам бу ерга тез-тез келиб туришади. Баҳмал туманидаги 3-умумтаълим мактабига Кутлуғжон Раҳмонов хотирасига бағишлаб бурчак ташкил этилган. Кези келганда айтиш керакики, Кутлуғжоннинг отонаси — Шоира опа ва Абдумноп акалар узоқ йиллар ёш авлод

тарбияси йўлида меҳнат қилишган. Ўқув даргоҳида ташкил этилган бурчакда қисм чегара қўшинлари ҳаётини акс эттирувчи стенд, буклет ва кўплаб фотосуратлар мавжуд. Жасур посбоннинг мактаблари ҳам шу ерда сақланмоқда. Ҳа, Баҳмал туман Ойқор қишлоғида туғилиб воёга етган доворак посбон Кутлуғжон Раҳмоновнинг йигирма олти йиллик ҳаёт йўли ёшлар тарбиясида муҳим рол ўйнамоқда. **Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти**



Наманган вилояти Норин тумани Жўжа қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон ота Аҳмедовни барча хурмат қилади. У 1941 йил, ҳали 17 ёшга қириб-қирмай Иккинчи жаҳон урушига кетди ва фашизм устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссасини қўлди. Урушдан қайтган, қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида самарали меҳнат қилди. Бугун фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

— Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб бо-

рилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самаралари бугунги оғда ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди У.Аҳмедов. — Халқимизнинг тинч ва оғда ҳаёти, аҳолига, айниқса, биз, фахрийларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Суратда: Усмон Аҳмедов. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат

Бўстонлиқ туманидаги Чотқол тоғ тизмалари бағрида кўплаб дам олиш ва даволаниш масканлари мавжуд. «Товоқсой» сихатгоҳи улур орасида алоҳида ўрин тутати. Ушбу масканда нурунийлар, ногиронлар саломатлигини тиклайди.

ФАХРИЙЛАР саломатлиги эътиборда

Оқтошнинг сўлим шабадаси, қолаверса, ёнгинасидан солланиб оқувчи анҳорларнинг салқини кишига ҳузур бағишлайди. Ушбу даргоҳда асаб ва юқори нафас йўллари, ўпка, юрак қон-томир, ҳафакон сингари касалликлар даволанади. Ўн бир гектар майдонда жойлашган сихатгоҳ гулзору дарахтзорга бурканган.


Бу даргоҳда дастлаб юз ўринли қариялар уйи эди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида уруш ва меҳнат фахрийларининг икки юз ўринли, 1990 йилдан эса тўрт юз ўрин-

ли сихатгоҳига айлантирилди. 2007 йилда бу ерга раҳбар бўлиб келган Нуралӣ Йўлдошев сихатгоҳдаги шароитни яхшилашга бел боғлаб, жамоани ҳам шу эзгу мақсадни амалга оширишга бошлади. Дастлаб ётоқхоналарни сифатли таъмирдан чиқариш, таомлар хилма-хиллиги ва мазалилигини таъминлаш сингари вазифаларга эътибор қаратилди. Аммо бу ҳаракатлар етарли эмасди. Бошқик юрак ютиб жуда катта ишга қўл урди. Тинимсиз елиб-югуришлар самара берди. Тўрт юз ўринли янги даволаш ва икки юз ўринли замонавий ётоқхоналар учун 7 млрд. сўм, янги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олишга эса 300 млн. сўм ажратилди. Ҳозирда қурилиш давом этмоқда. Даволаш мажмуасини Мустақиллик байрамигача ишга тушириш режалаштирилган. Барча қўлайликка эга ётоқхоналар қурилиши эса 2013 йилда бошланади, 2014 йилда фойдаланишга топширилади. Узағаришлар самараси ўлароқ, даволанишнинг мавжуд 23 тури яна 15 тага кўпаяди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2012-2014 йилларда Бўстонлиқ тумани инфратузилмасини яхшилаш хусусидаги кўрсатмаларига амалий жавоб бўлади.

Асад АСИЛ, ёзувчи

ШУКУҲЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Қўштепа тумани далаларида меҳнат оғушида бўлган навқирон йиғит Абдуҳамид 1942 йил Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларига сафарбар қилинди. Даставвал у Пенза шаҳридаги ҳарбий қисмаа жанговар тайёргарликни ўтади, сўнгра қуролдошлари қатори Курск, Тамбов шаҳарларида жангга бўлди.



Айниқса, Белоруссиядаги жангларда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. 1943 йилда оёғидан яраланиб, Уфа ҳарбий госпиталига юборилди. 1944 йилнинг ноябрида она шаҳри Марғилонга келган, турли қорхоналардан меҳнат қилиб, қариллик нафақасига чиқди. Турмуш ўртоғи Зайнабхон Солиева (Аллоҳ раҳмат қилсин) билан 9 фарзандни (5 ўғил, 4 қиз) эл-юртга муносиб қилиб тар-

биялади. Айни дамда Абдуҳамид хожи Солиев мустақиллик нашида-си ила бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқда. Унинг 6 набири ва 28 чеvarаси тинч, оғда юртда камол топмоқда.

сирати учун» медали билан тақдирланди.

88 ёшли Абдуҳамид ота кўлини дуога очиб: — Мен шундай шукуҳли кунларга соғ-саломат этиб келганимни тақдирининг улугъ нёмати, Яратганининг инояти деб биламан. Юртимизга тинчлик, осойишталик, фарзандларимизга баркамоллик, бахт-саодат тилайман, — деди. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Вазирлар Мақамаси томонидан 2011 йил 18 майда «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Унга мувофиқ жорий йилнинг биринчи январидан йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи енгил автомобиллар қатновини тартибга солувчи тегишли қомадалар ишлаб чиқилди.

Таниш белгиси «ТАХИ»

Мазкур талаблардан бири, бу йўловчи ташишчи енгил автомобиллар вилотлар учун сарик, Тошкент шаҳри учун фил суяги рангларидан бўлиши белгиланганидир. Йўналишдаги бошқа автомобиллардан ажралиб туриши учун уларнинг тепасига «ТАХИ» деб ёзилган сарик фонар ўрнатилиши зарур. Бундан ташқари, уларнинг олдинги эшикларини шахмат тартибидеги қора квадрат белгилар, «Т» ҳарфи билан ажратилиб, йўловчиларни ташиш учун рухсат олган юридик шахснинг номи ҳам ёзиб қўйилиши шарт. Шунингдек, таксилар учун мўлжалланган махсус сериядаги давлат рақамлари билан белгиланиши лозим.

Бугунги кунда ана шу каби бир қатор талаблар асосланган, жамоат назоратини ўрнатиш имконини берувчи — янги интерактив автотранспорт хизмати жорий этилди. Айни пайтда 11 мингга яқин енгил автомашина талаб доирасида жиҳозланди. Йўналишсиз таксилар учун 200 га яқин махсус тўхташ жойлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда шу мавзуда гап борди.

Соҳа вакиллари тақси хизматларида фуқаролар учун яратилган барча қўлайликлар ҳақида батафсил маълумот бердилар. Йиғилиш қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, тақлиф ва мулоҳазаларини билдириши имконига ҳам эга бўлдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали танлов савдосига тақлиф қилади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг 2012 йил 29 мартдаги 63 «П-Сол» қўли билан буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналимал кўчасида жойлашган умумий майдони 1985,0 кв. метрга тенг бўлган қурилиши тугалланган 5 қаватли ишлаб чиқариш биноси танлов савдосига қўйилганлигини қўшимча равишда маълум қиламиз.

Бошланғич нархи — 323 982 800 сўм. «Объект»ни танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари эътиб қўйилганда белгиланган: — 323 982 800 сўмдан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; — 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция қилиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртма-номаларни савдо ташкилотчиси «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат келишувга асосан «KMSX» МЧЖ Тошкент шаҳар Филиалнинг ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 20712519.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зақалат тўловини эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютлада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Танлов ўтказиш қомадалари, танлов шартлари ва танлов тақлифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганда сўнг, олинishi мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Ушбу тўлов қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 860262737950100021001, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400

Олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зақалатлиги амалиёт бошқармаси. Олувчининг ҳисоб-рақами: 23402 000 300100001010. Олувчи банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-касса маркази Олувчи банки коди: 00014; Олувчи СТИР: 201 122 919. Олувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси.

Танлов тақлифларини қабул қилиш 2012 йил 7 май кунини Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлардан тақлифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2012 йилнинг 15. 22 ва 29 май кунлари соат 11:00 да тақдоран ўтказилади, тақдорий савдоларга танлов тақлифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов тақлифларини тақдим этилган конвертларини очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 8 май кунини Тошкент вақти билан соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади. Тақлифларини очиб вақтида танловда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг вақолатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоси натижаларига қўра галиб чиққан иштирокчи 20 кундан кечикмай сотувчи ва галиб ўрта-сида давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Юқоридеги кўчмас мулкнинг танлов савдоси бўйича эълон «Хўку» газетасининг 2012 йил 5 апрелдаги 14-сонида чоп этилган. Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилишнингизи сўраймиз: 100060, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-Ауыл. Тел 233-23-49. Веб сайт WWW.1kms.UZ. Электрон почта манзил: nieltsavdo@inbox.uz

ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи-нинг «Нефтчи» маданият саройида касба уюшмалари тизимидаги маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ


Санъатимизнинг ёш истеъдодлари билан танишув, уларнинг қўшиқларини тинглаш, мусиқа оҳангларидан завқ олиб, дилтортар рақсларни томоша қилиш ҳар бир кишини тўлқинлантиради. Кўрик-танловда «Фаргонаазот» ОТАЖ, Олтиариқ ёқилги ишлаб чиқариш корхонаси, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи, «Кувасойцемент» ОАЖ каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли 15 та болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этишди.

Вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган 80 нафарга яқин ёш санъаткорлар бу ерга жам бўлишди. Юсуфжон қизик Шакаржон номли вилоят ўзбек миллий драма театри режиссёри Маҳмуджон Ғуломов раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати танловни одилона баҳолашди. Ёш санъаткорлар ижросидаги анъанавий ва эстрада қўшиқчилиги бахслари, яқка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқка ва жамоа рақси ижрочилари

беллашуви ҳаяжонли кечди. Айниқса, Олтиариқ ёқилги ишлаб чиқариш корхонаси «Тинчлик» маданият саройи рақс тўғраги иштирокчиси, эндигина 6 ёшга тўлган Мадина Маҳкамованинг «Хоразмча» рақси ижронинг гўзаллиги, ҳаракатларнинг уйғун ва мусиқага ҳамоханлиги билан томошабинларни ҳайратга солди. Танлов якунига кўра: Беғиш Ғофуров ва Жасурбек Тешабоев эстрада қўшиқчилиги йўналишида, «Садо» гуруҳи доира усул-

лари, Зарнигор Содиқова «Дилхирож» рақси, «Стрит экстрим» брейк-данс гуруҳи «Уғилбола» рақси билан фахрли ўринларни эгаллашди. «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови бу йил ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди, — деди «Фаргонаазот» корхонаси «Кимёгар» маданият саройи хореограф Матлуба Турғунова. Ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг маҳоратли санъаткор бўлиб улғайишида бундай танловларнинг ахамияти жуда катта. Алишер ИБОДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ



Соғлом оила — соғлом фарзанд

Юртимизда оилавий спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, оилада соғлом муҳит қарор топгандагина фарзандлар олға юриш учун ўзларида рағбат ва хоҳиш топа олишадилар. Касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар ҳам бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишмоқда.



«Яккасарой» спорт мажмуасида Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касбаба уюшма кўмиталари раислари кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шiori остида ташкил этилган оилавий спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи ўтказилди. 13 оилавий спортчилар жамоаси иштирок этган мусобақада «ТТЗ» ОАЖ ташкилотидан Руфат Дарабоевлар оиласи биринчи, «Узпахтамас» ОАЖдан Рустам Мирпўлатовлар оиласи иккинчи, «ТТЗ» ОАЖдан Алексей Вишигаралар оиласи учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб жамоалар кейинги босқич йўлланмаларини қўлга киритишди.

Майдонда — темирйўлчилар

Тошкент товар 1-юк вагон депоси спорт залида Тошкент минтақавий темирйўл узели касбаба уюшма хуудий кўмитаси томонидан мини футбол мусобақаси ўтказилди.

Ходимларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, спортга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган мазкур мусобақада темирйўл ходимлари куч синашди, — деди тармоқ касбаба уюшма кўмитаси раис ўринбосари Алие Имидинова. — Ғолиб жамоалар билан бир қаторда энг яхши ўйинчи, энг яхши дарвозабон ҳам аниқланиб, рағбатлантириб борилди. 11 жамоа иштирок этган мусобақада Локомотив депоси, Тошкент товар 1-юк вагон депоси ҳамда Тошкент минтақавий темирйўл узели жамоалари совринли ўринларни банд этишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Қизгин ва мурасасиз

Соғлиқни сақлаш ходимлари касбаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида тармоқ ходимлари ўртасида спартакиада ҳамда оилавий мусобақалар ташкил этилди.



Мазкур мусобақада даволаш профилактикаси муассасаларининг 120 нафардан ортиқ вакили шашка, стол тенниси, дартс, оилавий эстафеталар, аркон тортиш каби беллашуларда ўз кучларини синовдан ўтказишди. — Оилада спортнинг ривожланиши соғлом авлоднинг камол топишида муҳим тиргадир. Тиббиёт ходимлари эса бу борада барчага ўрнак бўлишлари лозим. Бугунги мусобақа одамларнинг кўфиятини кўтариб, уларнинг саломатлигига озгина бўлсада улш қўша, бу бизнинг ютуғимиз, — деди тармоқ ходимлари касбаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гавҳар Исмолова. Қизгин кечган шашка бахсларида Учтепа тумани тиббиёт бирлашмаси ходимаси С. Йўлдошева ғалаба қозонган бўлса, стол тенниси беллашуларида Бектемир тумани тиббиёт бирлашмасидан М. Тилабова биринчи ўринни қўлга киритди.


Мўлжални аниқ олиш талаб этиладиган дартс мусобақасида эса Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси вакили Ж. Валиев шохсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Томошабинларнинг қизгин қўллаб-қувватлашлари остида кенган аркон тортиш бахслари Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси жамоасини барча тасдиқдан ўтказиб берди. Оилавий мусобақалар якунида Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси шарафини ҳимоя қилган Абдуманноповлар оиласи ғалаба нашидасини сурди.

Адхам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири. Икром ХАСАНОВ олган суратлар



Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 2008 йилда № 004220 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган «МЕД СЕРВИС АКРАМ» масъулияти чекланган жамият фаолияти тугатилади.

Булоқ кўз очди



ЎЗБЕКИСТОН

Сени дилдан ардоқлаганлар бисёр, Беғиз қиёс этилмайсан онага. Субҳдам ҳис эттим мен шуни тақдор, Сен деб айланман бир парвозига. Сен туйғайли баланд бутун парвозим, Сен борсанки, ўзим кучли сезилман. Ватан, десам жарангайди овозим, Сарин боғларингда саруши кезилман. Шашура қилшолдинг бирдай кўримили. Ҳар кал тўлиқман - не ажойиб тонг! Келгин, қулонинга айтйи сиримини - Мен сен-ла тирикман, жон Ўзбекистон! Махлиб БЕКНАЗАРОВА, Юнусобод туманидаги 258-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси

КҮРИК-ТАНЛОВ

Ибратли она — баркамол авлод

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касбаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган танлов шундай деб номланди. Шу кун Олмалиқ шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройи ҳар қачонгидан гажум бўлди.

Тадбирда «Максам-Чирчиқ», «Аммофос-Максам», «Янги Ангрн ИЭС», «Ўзбеккўмир», «Ангрн ИЭС» ҳамда «Ўзбекгеофизика» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Тошкент ИЭК» ва «Тошгазтаъминот» унитар корхоналарининг зукко вакиллари ҳамда уларнинг фарзандлари иштирок этишди.

Танловнинг танишув қисмида иштирокчи она ва болалар эркин мавзуда ўз истеъдодларини намойиш этишди. «Аммофос-Максам» очиқ акциядорлик жамияти вакиласи Матлуба Турғунова ҳамда унинг қизи Гавҳарой ижросидаги қўшиқни томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди. «Янги Ангрн ИЭС» корхонаси вакиласи Зулфия Носирова ва унинг ўғли Саидборжоннинг чиқиши ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, Саидборжон «Хитоса Касуя» йўналишидаги маҳоратини намой-

иш этганда зал олқишларга тўлиб кетди. Ғолибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун анча қийин кечди. Ва ниҳоят 1-ўрин «Аммофос-Максам» корхонаси вакиласи Матлуба Турғунова ва унинг қизи Гавҳаройга, 2-ўрин «Тошкент ИЭС» корхонасидан келган Нозима Хусанова ва қизи Широхонга, 3-ўрин эса «Ангрн ИЭС» вакиласи Наргиза Ҳайтова ва унинг ўғли Хумоюнга насиб этди.

Кўрик-танловимизда мағлублар бўлмади, — дейди тармоқ касбаба уюшма Марказий кенгаши раисининг ўринбосари, ҳайъат раиси Ғофуржон Ҳамидов. — Биз барча катнашчиларни тақдирлашга аҳд қилдик. Чунки, улар ҳам ишлаб, ҳам санъат билан шугулланишди. Шунинг ўзиёқ ҳар қандай рағбатга лойиқдир.

Н. РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ

Биз бир жамоамиз...

Уч йилдан буён юртимизда ватандошларимизни бир шior, бир эзгу мақсад билан югуришга чорловчи хайрия форум-марафони ўтказиб келинмоқда. Илк маротаба 2010 йил «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ҳамда «Ҳаёт учун!» кўрак беги саратони миллий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лойиҳа ўзгалар дардига бефарқ бўлмаган, оғир хасталикка чалинган инсонларни даволаш учун оз бўлса-да ҳисса қўшишни истаганлари жам этади. Зеро, ушбу марафондан тушган маблағ кўрак беги саратонига чалинган аёллар учун дори-дармон сотиб олиш ва мамлакатимизда истикомат қилаётган аёлларни бепул текширувдан ўтказиш ишларига сарфланади.

2011 йил форум-марафонда биргина пойтахтимизнинг ўзидан 5 мингдан ортиқ ҳамшаҳарларимиз, санъатимиз намояндалари, халқро ташкилот вакиллари иштирок этди. 2012 йил «Ҳаёт учун!» кўрак беги саратони миллий уюшмаси Сюзан Г. Комен номидаги кўрак саратонига қарши кураш фонди (The Susan G. Komen Breast Cancer Foundation) билан келишув имзолагани сабабли лойиҳага халқаро мақом берилди. Шунингдек, 23 апрел кун хайрия форум-марафони арафасида эстрада ва кино юлдузлари, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази терма жамоалари ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Бундан ташқари, хайрия марафони доирасида Ўзбекистонда

инклюзив таълимни ривожлантириш ва имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Марш-марафон ҳам ташкил этилади. Марафоннинг якуний қисми 1 май кун пойтахтимизда «Шифо топиш учун югуриш» («Race for the Cure») шiori остида бўлиб ўтади. 26 мартдан республикамиз бўйлаб «Келажақ овози» ЕТМнинг «Биз — бир жамоамиз, биз — бир оиламиз!» акцияси билан бир вақтда хайрия форум-марафонининг вилоят босқичлари ўтказилди. Уч босқичдан иборат 3 км. масофани ташкил этувчи марафонда ғолиблар аниқланиб, катнашчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шохсанам НИЁЗОВА

ТУРИЗМ

Навоний вилоятида туризм ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Соҳага «Саёҳат ва экскурсия бюроси» ва кенг жамоатчилик ҳам жалб қилинган. Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаба уюшмаси вилоят кенгашининг ташаббуси билан тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда.

ЮРГАН — ДАРЁ...

Навбахор туман бирлашган касбаба уюшма кўмитаси томонидан 50 нафар тармоқ ходимининг Тошкент шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Шунингдек, 50 нафар соҳа фидойилари ҳамда кам таъминланган оила вакиллари Нурота туманидаги зиёратгоҳларга олиб борилди. Кармана туман бирлашган касбаба уюшма кўмитаси ҳам тармоқ ходимларининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди.

Музаффар УСАРОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касбаба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси

ТАДБИР

Жойлардаги касбаба уюшма ташкилотлари томонидан маъмурият билан ҳамкорликда «Мустақам она йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бухоро шаҳридаги «Ёш алоқач» болалар оромгоҳида ташкил этилган «Ош фестивали» ана шунадай тадбирлардан бири бўлди. Фестивалда алоҳа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари ўзаро беллашдилар.

ОШ ФЕСТИВАЛИ

Фестивал якунига кўра, Когон тумани телекоммуникация боғламаси бошлиги Музаффар Жумаев 1-ўринни эгаллади. «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси Жондор туман фи-

лиали ҳайдовчиси Бўстон Рустамовга 2-ўрин насиб қилган бўлса, 3-ўринга бир йўла 2 нафар иштирокчи — Телекоммуникация транспорт тармоғи филиали 5-боғламаси кабел пайванд-

ловчиси Икром Усмонов ҳамда «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси Шофиркон туман филиали бошлиғи Лазиз Қиличев муносиб деб топилди. Фестивал ғолибларига вилоят хуудий бошқармаси алоҳа ходимлари бирлашган касбаба уюшма кўмитасининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Жамшид ЭҒАМОВ, Бухоро вилояти алоҳа ходимлари БКУК спорт йуричиси

Чотқол дарёси бўйида жойлашган «КОНСТРУКТОР» Болалар соғломлаштириш оромгоҳи аҳолига харид қилиш учун талабномалар қабул қилади. Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Мавсумнинг бошланиши — 14.06.2012 й. Манзил: Тошкент ш. Олмазор тумани, Ғалаба-1. Тел. 248-15-01; 248-10-03

Logo: O'KUF FTU. Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Esan RAJABOV, To'lg'in TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib). Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81; Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99894 226 28 84; Namangan +99897 491 79 28; Samarqand +99866 708 70 12; Surxondaryo +99897 458 05 07; Farg'ona +99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. E-mail: Ishonch2012@gmail.com. Nashr ko'rsatkichi: 133. Navbatchi muharrir: A. Abdullayev. Navbatchi: A. Arslonov. Musahhah: S. Shodiyeva. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullayev. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatlida gazeta nomi ko'rsalishi shart. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farg'anchi mumkin. Tjorat materiallari. 2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Bosishga topshirish vaqti - 21.10. Topshirildi - 03.30. Buyurtma G — 411. 22013 nusxada bosildi. 1 3 4 5